



## **ZBEK TURK MADANIY ALOQALARINING**

### **RIVOZHLANISHI**

### **(БАДИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК СОҲАСИ МИСОЛИДА)**

**Sultanova Gulchehra Ozodovna**

*Samarandand d'Awlaki, Samarandand d'Awlaki, Samarand y n' medd*

**Аннотация.** В статье рассказывается о создании Хивинского государственного музея-заповедника «Иchan-Кала» и его собраниях прикладного искусства, Хиве - одном из центров мирового туризма, мастерах прикладного искусства Хорезма, современных отношениях между Узбекистаном и Турцией в этой сфере. культуры и искусства, различные выставки прикладного искусства, информация об участии в симпозиумах.

**Ключевые слова:** Хива, Иchan-кала, музей, прикладное искусство, туризм, Турция, мастера, выставки, сотрудничество, резьба по дереву, гончарство, ремесленный центр, дружеские отношения.

Дунёнинг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Хива асрлар мобайнида инсониятнинг маънавий ва моддий маданияти ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келган. Хивани бежиз очиқ осмон остидаги музей-шахар деб аташмайди. Жаҳон туризмининг марказларидан бири саналган бу шаҳарда 140 дан ортиқ меъморий обидалар ва археологик ёдгорликлар сақланиб қолган.

Тарихдан маълумки, Буюк ипак йўлида жойлашган ушбу шаҳардан Хоразмлик олимларнинг асарлари ва кўпгина бадиий ҳунармандчилик намуналари дунёга тарқалган. Ушбу осори-атиқалар ҳанузгача Рим, Париж, Лондон, Копенгаген, Берлин, Истамбул, Қохира, Санкт-Петербург, Москва, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги йирик музейлар экспозицияларини безаб турибди. XIX асрда жаҳон бўйлаб музейлар ташкил қилиниши амалиётга татбиқ қилинган бўлса, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб қадимий тарихга ва меъморий обидаларга бой бўлган шаҳарларнинг ўзини музей шаҳарлар деб аташ анъанага айланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар кенгашининг 1969 йил 29 июль 343 сонли қарорига мувофиқ Хива Давлат тарихий меъморчилик “Иchan-қалъа” музей – қўриқхонаси ташкил қилинди. Музей қўриқхонанинг ташкил қилиниши ва ривожланишига Давлат мукофоти лауреати, халқ рассоми Абдулла Болтаев, адаб ва драматург Юнус Юсупов - Айёми, журналистлар союзи аъзолари Мадамин Ёқубов, Анвар Исмогилов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Усто - Собиржон Юсуповлар ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшдилар. [1]

“Иchan-қалъа” тарихий меъморий давлат музей-қўриқхонасининг 19 та доимий экспозицияларида Хоразмнинг қадимдан бугунги кунигача бўлган тарихи акс эттирилган.

Дунё илм-фани маданиятига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг бой илмий-маданий меросини ўрганиш, кенг тарғиб қилиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Музей қўриқхона асосий фондида 39 мингдан зиёд турли даврларга оид тарихий осори атиқалар мавжуд. Умумий фондда эса улар сони 56 мингдан ошади. Хоразм хонлигининг турли даврларига оид экспонатлар, тарихий манбалар орасида ўтмишни чуқурроқ ўрганишда турли ёзма манбалар, қўллўзма ва тошбосма китоблар, қозихатлар, ёрликлар, вақфнома ва шу кабиларнинг алоҳида ўрни бор. Улар орасида турли мазмундаги ёрликлар 50 та, вақфномалар 60 га яқин. Қозихатлар эса 960 дан зиёдни ташкил қиласди. [2]

Хива “Ичан-қалъа” давлат музейида миллий маданиятимизнинг узвий қисми бўлган халқ амалий санъатининг энг ноёб ёдгорликлари сақланади.

Бугунги кунда музейда XIII асрдан то хозирги кунгача бўлган даврни қамраб олган қўли гул усталар томонидан яратилган бебаҳо амалий санъат дурдоналарини кўришга мусассар бўласиз.

Хоразм амалий санъати экспозициясида халқ амалий санъатнинг 10 хил туридаги намуналарини кўриш мумкин. Жумладан ёғоч ўймакорлиги, наққошлиқ, тўқимачилиқ, мармар ўймакорлиги, ганч ўймакорлиги, гиламчилик, кулолчилик, хаттотлик, мисгарлик, кандалорлик, кўнчилик, пичоқчилик, заргарлик буюмлари намойиш қилинмоқда.

Бугунги кунда ҳам Хоразм амалий санъати усталари ўзининг авлоддан –авлодга ўтиб келаётган санъатини давом қилдириб келмоқдалар. Хива шахрининг ўзида “Ичан-қалъа” ҳудудида ҳам уста ҳунармандларнинг асарларини ва ижодий фаолияти жараёнларини кўриш мумкин. Ҳозирги кунда амалий санъат усталари нафакат республикамизда балки бир қатор хорижий давлатлари кўргазмаларида фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотларнинг бошланиши, 2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шахрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш дастурининг қабул қилиниши қадимий қўрғон қисқа муддатда реставрация қилиниб, бу ерда ҳунармандчилик маркази, ресторан, меҳмонхона, кинозал ҳамда фотогалерея ташкил этилди.

2020 йилда Хива шахрини туркий дунё маданий пойтхати деб эълон қилингани бежиз эмас албатта.

Юксак мэрралар йўлида изчил ҳамкорлик ўзбек ва турк халқарини азалий дўстлик, биродарлик ҳамда қардошлиқ ришталари ўзаро боғлаб туради. Ҳар икки халқнинг маданияти, дини бир, урф-одатлари ўхшаш. Туркияning ривожланган саноати, транспорт коммуникациялари, денгиз йўллари, қишлоқ хўжалиги, туризм салоҳияти, улкан давлатчилик тажрибаси Ўзбекистон учун долзарб аҳамиятга эга. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам Туркия ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутади. Мамлакатимиз бугунги кунда Туркияning Марказий Осиёда энг асосий шерикларидан бири ҳисобланади. Юртимизнинг улкан бозори, тобора либераллашиб бораётган иқтисодиёти, қулай инвестициявий муҳити, тарихий шаҳарлари, муқаддас диний қадамжолари Туркияда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон-Туркия муносабатлари ривожланиб бормоқда ҳамда ўсиш тенденцияси ўзаро ҳамкорликнинг барча жабҳасида кўзга яққол ташланаяпти.

Ўзбекистон ва Туркия раҳбарларининг ўзаро ташрифлари икки давлат ўртасидаги алоқаларда янги саҳифа очди ҳамда ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини белгилаб берди. Имзоланган ҳужжатлар ва эришилган келишувлар ишончли муносабатларни юқори даражага олиб чиқиш билан бирга, қардош халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз. Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунлардан бошлаб ҳар томонлама пухта ўйланган, изчил ташқи сиёсат юритиб келмоқда. Унинг замирида халқимизнинг кўп асрлик тарихи, маданияти, анъана ва қадриятлари, эзгу орзу-интилиш ва манфаатлари мужассам этилган. Айниқса, сўнгги йилларда кузатилаётган ўзгариш ва жараёнлар, янгича ёндашув ва дадил қадамлар ташқи сиёсатимизда ҳам янги саҳифа очилишига замин яратмоқда. Таъкидлаш жоизки, Туркия Республикаси Ўзбекистон ташқи сиёсатида алоҳида ўринга эга бўлган, ўзига хос мамлакат ҳисобланади. Буни қуйидаги бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин. Биринчидин, ушбу мамлакат дунёдаги 200 дан ортиқ мамлакатлар ичida Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган ва шу тариқа унинг дунё ҳаритасида янги давлат сифатида эътироф

етилиши жараёнини бошлаб берган мамлакат ҳисобланади. Иккинчидан, ўзбек ва турк халқларини азалий дўстлик, биродарлик ва қардошлиқ ришталари ўзаро боғлаб туради. Ҳар икки халқ ҳам туркий тилда сўзлашувчи халқлар бўлиб, уларнинг маданияти, дини ва урф-одатлари бир-бирига жуда яқин.

Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” уюшмаси Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА) билан ҳамкорликда Хива шаҳрида “Нуриллабой” тарихий мажмуасида 10 та қадимий ҳунармадчилик турини қайта тиклаш ва ривожлантириш мақсадида ҳунармандчилик марказини ташкил этди.

2021 йил 11 декабрь куни “Хунарманд” уюшмаси масъул вакиллари “ТИКА”нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Жамалиддин Туней ва ходимлар билан биргаликда Хива шаҳридаги Нуриллабой мажмуасидаги ҳунармандчилик марказига бордилар ва ташкилот томонидан ҳунармандлар учун олиб берилиган маҳсулот ва дастгоҳлар ўрганилди.

Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ) туркий тилли мамлакатларни бирлаштирувчи халқаро ташкилот бўлиб, унинг асосий мақсади “турк халқларининг умумий моддий ва маданий ёдгорликларини асраб-авайлаш, ривожлантириш ва келажак авлодларга етказиш бўйича туркий халқлар ўртасидаги ҳамкорлик”дир.

Ташкилот 1993 йилда ташкил этилган. Унинг таъсисчилари ва аъзолари олтида давлат: Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркманистон ва Туркиядир. ТУРКСОЙнинг вазифалари маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, туркий дунёнинг умумий қадриятларини халқаро миқёсда мустаҳкамлаш ва тарғиб қилишдан иборат.

2021 йилнинг 1-14 август қунларида ТУРКСОЙ ташкилоти лойиҳаси доирасида Туркиянинг Истамбул, Анқара, Коня, Ниса каби шаҳарларда хоразмлик санъат усталари иштирокида Хоразм куй қўшиклари янгради. Кўргазма ташкил қилиниб, Хоразм амалий санъати намуналари-кулолчилик буюмлари, ёғоч ўймакорлиги буюмлари, миллий кийимлари ва совғабоп буюмлар намойиш қилинди.

2021 йилнинг 16 сентябр куни Хивада ТУРКСОЙга аъзо мамлакатлар маданият вазирлари Доимий кенгашининг 38-йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Туркия ўртаси маданият ва санъат соҳалардаги алоқалар кундан кунга ривожланиб бормоқда. Рассомлар, уста ҳунармандлар иштирокида турли хил кўргазмалар, сипозиумлар, семинарлар ўтказилмоқда. Жорий йилнинг 3-5 ноябр кунлари ТИКА кўмагида Нежметтин Эрбакан университети анъанавий санъат амалий ва тадқиқот маркази томонидан ташкил этилган “Анъаналар ва келажагимиз биринчи халқаро усталар симпозиуми, семинари, кўргазмаси” дастури доирасида ўзбекистонлик усталар иштирок этиб, ўз ижод намуналарини намойиш этишди. Туркиянинг Кония шаҳрида бўлиб ўтган мазкур нуфузли анжуманд хоразмлик уста ҳунармандлар ҳам ўзларининг бетакрор санъат асарлари билан иштирок этдилар. Жумладан, Хива туманида фаолият олиб бораётган ёғоч ўймакор уста ҳунарманд Одамбой Машарипов, сомон санъати устаси Анвар Назаровлар фаол қатнашиб, ўз асарларини намойиш этиб тегишли сертификат билан тақдирландилар.

Одамбой Машарипов Хива ёғоч ўймакорлиги мактаби анъаналарини сақлаб, уни янада ривожлантираётган усталардан бири, у Ўзбекистон Республикаси халқ устаси Хайтмат Боғибековнинг шогирди ҳисобланади. Уста кўргазмада ўзининг ўймакорликда ишланган сандиқча, лавҳ, лаган қаламдон, Хива тарихий обидаларинг ёғочдан ишланган макетлари билан қатнашиб санъат ихлосмандларинг олқишига сазовор бўлди.

Таниқли уста Анвар Назаров ўзинг самондан ишланган тарихий обидалар тасвирланган композициялари, миниатюра усулида ишланган асарлари, портретлари билан иштирок қилди. Кўргазмага қўйилган бу нафис асарлар қардош турк санъат усталарини,

томошабинларни хушнуд қилди. Таъкидлаш керакки, уста хунарманд ўз санъати билан турли хорижий давлатлар кўргазмаларида иштирок этган. Жумладан Америка, Дубай, Россия, Германия давлатларида бўлиб қайтган.

Сомон санъати Ўрта Осиёда энг қадимий санъат тури ҳисобланади. Бу санъат Хитой, Украина, Россияда ҳам ривожланган, лекин уларнинг ишланиши, техникаси билан бирбиридан фарқ қиласиди. Сомон санъатида портрет, манзара, график асарлар ва миниатюра усулида турли комозициялар яратиш мумкин, дейди уста рассом Анвар Назаров. У ўз асарларида сомоннинг табиий рангидан фойдаланишга ҳаракат қиласиди. Хива шаҳридаги Нуриллабой мажмуасидаги “Хунармандчилик” марказида Анвар Назаров устахона очиб, ижод килиш билан бирга шогирдларига хунар сирларини ўргатмоқда. Бу хунар инсондан сабр, тоқат, маҳорат талаб қиласиди.



*Ёғоч ўймакори устаси хунарманд Одамбой Машарипов*




*Сомон санъати устаси Анвар Назаров*

2021 йил 25 декабр куни Туркия ҳамкорлик ва мувафиқлаштириш агентлигининг (ТИКА) Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Жемалиддин Туней Янгиарик туманидаги “Каттабоғ кулолчилик маркази”да бўлиб, марказ фаолияти ва хунармандларнинг иш жараёнлари билан яқиндан танишди. Меҳмон марказ фаолияти билан бевосита танишиб, Каттабоғ кулолларининг еттинчи ҳамда саккизинчи авлод вакиллари билан суҳбатлашди.



Шу куни Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” уюшмаси, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги, Хоразм вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда Хива шаҳрида “Нуриллабой” тарихий мажмуасида ташкил этилган Хунармандчилик марказининг очилиш маросими ўтказилди. Мажмуани ташкил этилишидан мақсад қадимий хунармадчилик турларини қайта тиклаш ва ривожлантириш ҳамда ёш авлодга ўргатишдан иборат. Хунармандчилик марказида, ёғоч ўймакорлиги, сопол буюмлар, қимматбаҳо металлдан ясалган заргарлик буюмлари, қандакорлик, мисгарлик буюмлари, қўлда тўқилган гиламлар, миллий либослар, каштачилик буюмлари, миниатюра, ранг тасвир, наққошлиқ асалари, мусиқа асблоблари намойиш қилинди. Бундан ташқари маросимда Хоразм вилоят, туман ҳокимлиги раҳбар ва ходимлари, фахрий хунармандлар, халқ амалий санъати усталари, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари иштирок этди.



Бундан ташқари жорий йилнинг 29–30 март кунлари Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркия президенти Режеп Тайип Эрдоған Ўзбекистонга ташриф буюрди. Туркия президенти Олий мартағали мөхмон ташриф доирасида олий даражадаги Ўзбекистон-Туркия стратегик шериклик кенгашининг иккинчи йиғилишида иштирок этди.

Ўзбекистон ва Туркия етакчилари ўтказган музокараларнинг асосий мақсади дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалаларидан иборат. Асосий эътибор савдо, инвестициялар, инновациялар, саноат, логистика, туризм ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида қўшма кооперация лойиҳаларини илгари суриш, маданий-гуманитар алмашинув дастурларини амалга оширишга қаратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Тайип Эрдоған 30 март кунлари Хивадаги Иchan қалъада мөхмон бўлди. Мөхмонлар Иchan қалъадаги Ота дарвоза, Кўк минора, Кўхна арк саройи ва мадрасалар, хунармандчилик расталарини кўздан кечирди. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Жума масжиди зиёрат қилди. Давлат раҳбарлари хунармандлар, сайёхлар билан самимий сухбатлашди. Хоразмча қўшиқ ва рақслар ижроси барчага кўтаринки кайфият бахш этди. [7]



Шуни такидлашимиз кераки ўзбек ва турк халқларини азалий туркий тилда сўзлашувчи халқлар бўлиганилиги, уларнинг маданияти, санъати, дини ва урф-одатлари бир-бирига жуда яқинлиги улар ўртасидаги муносабатларнинг яқинлигига сабаб десак адашмаймиз. Ўзбек ва турк халқларини азалий дўстлик, биродарлик ва қардошлиқ ришталари доимо бардавом билишини истаймиз. Юртимиз ҳамиша фаровон, санъатимиз гуллаб яшнасин, дўстлигимиз абадий бўлсин.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Абдурасулов А. Хива (тарихий–этнографик очерклар). – Тошкент.: 1996.
2. Худойберганов К. Хива дунёдаги энг кўхна қалъа. – Тошкент.: 2012.
3. Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Тошкент.: Меҳнат, 1991.
4. “Адолат” газетасининг расмий сайти [www.adolatgzt.uz](http://www.adolatgzt.uz)
5. ТУРКСОЙ ташкилотининг расмий сайти [www.turksoy.org.tr](http://www.turksoy.org.tr)
6. “Хунарманд” уюшмасининг расмий сайти [www.handicraftman.uz](http://www.handicraftman.uz)
7. Xorazm viloyati Turizm va madaniy meros bosh boshqarmasi rasmiy kanali. [t.me/travelkhorezm](https://t.me/travelkhorezm)